Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 5 март, чоршанба • № 19 (10.897) • Эркин нархда сотилади

# Алмати учрашуви: ОРОЛ ДАРДИ – ОЛАМ ДАРДИ

Аввал хабар берилганидек, 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига бағишланган олий даражадаги Алмати учрашувида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида, бугунги кунда Орол фожиаси аллақачон халқаро аҳамият касб этгани ва уни бартараф этиш фақат ушбу минтақадаги давлатлар эмас, балки, йирик халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам ўзаро бош қовуштириб фаол ҳаракат қилишини такозо этади, деб алоҳида таъкидлади. Зеро, Орол ҳалокати оқибатлари миллионлаб кишилар ҳаётига дахл қилади.

Шу маънода, Алматида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Тожикистон Президенти И. Раҳмонов ўртасида бўлган суҳбат ишчан ва амалий руҳда ўтди дейиш мумкин. Президент Н. Назарбоев Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари ҳақида ахборот берди. Шунингдек, президентлар мазкур жамғарма маблағини ташкил этиш бўйича қабул қилинган давлат раҳбарлари кенгаши қарорининг ижроси, Орол муаммоси билан шуғулланаётган минтақавий муассасалар мақоми, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси ва жамғарма бошқарув кенгаши таркиби ҳамда Орол бўйидаги экологик аҳволни яхшилашга қаратилган дастурнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг Президенти этиб тасдиқланди. Маълумки, шу пайтгача бу вазифани Президент Н. Назарбоев бажариб келган эди.

Учрашув якунида томонлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича Алмати декларациясини қабул қилдилар.

*(ЎзА)*

# АЛМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Биз, қардош давлатлар — Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари,

— Мамлакатларимиз мустақиллиги ва истиқлолини мустаҳкамлашга, халқларимиз турмуш даражасини оширишга интилган,

— Экология хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг стратегик компонентларидан бири ва Марказий Осиё давлатлари манфаатлари ҳамда устуворликларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳати эканига асосланган,

— Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳалокат муаммоси жаҳоншумул аҳамият касб этиб, бу муаммони ҳал қилишни кечиктириб бўлмаслигини эътиборга олган,

— Орол минтақасидаги фавқулодда экологик вазият нафақат Орол денгизи ҳавзасида, балки сайёрамизнинг бошқа минтақаларида ҳам табиий муҳитга ҳамда миллионлаб кишиларнинг турмуш шароитига салбий таъсир қилаётганини ҳисобга олган,

— БМТнинг атроф-муҳит бўйича жаҳон дастури («XXI аср кун тартиби») қоидаларига риоя қилишимизни тасдиқлаган, Марказий Осиё мамлакатларини барқарор ривожлантиришга доир ягона стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муддаосини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган,

— Мамлакатларимиз ҳудудларидан ўтадиган дарёларнинг сув ресурсларини бошқаришга экологик тизим асосида ёндашиш лозимлигини, бу сув ресурслари ўзаро зарар етказмайдиган, адолатли ва оқилона бошқарилиши кераклигини эътироф этиб, халқаро ва давлатлараро даражада кенг кўламли ҳамкорлик юзасидан илгари қабул қилинган мажбуриятларни тасдиқлаган,

— Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш зарурлиги ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатларимизнинг якдил фикрини ифодалаган,

— Орол денгизи ҳавзасидаги экологик танглик оқибатларини бартараф этиш йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилишга интилган ҳолда, 1997 йил 28 февраль куни Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда қуйидагича

**БАЁНОТ БЕРАМИЗ:**

1998 йил Марказий Осиё минтақасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб **эълон қилинсин.**

Барча манфаатдор мамлакатлар Семипалатинск полигонининг 50 йиллиги арафасида Марказий Осиёни минтақадаги бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши мумкин бўлган очиқ ядросиз зона, деб эълон қилиш ғоясини қўллаб-қувватлашга **даъват этилсин,**

Марказий Осиё давлатларининг жиддий иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, Орол денгизи ҳавзаси, Семипалатинск полигони теграси ва ядро синовлари таъсир этган бошқа ҳудудларда экологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан катта куч сарфлаётгани алоҳида **қайд этилсин,**

Орол муаммосини, Марказий Осиёда ядросиз ҳудуд барпо этиш ҳамда ядро технологиялари ва хом ашёси тарқалиб кетишига қарши курашни ҳисобга олган ҳолда экология хавфсизлиги бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлиги **эътироф этилсин,**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган агентликлари Орол денгизи ҳавзасида вужудга келган танг вазиятга доимий эътибор бериш ҳамда бу минтақада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан амалий чоралар кўришга, Оролбўйидаги оғир аҳволга тушиб қолган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор беришга **даъват этилсин,**

Халқаро ташкилот ва муассасаларнинг муайян ҳаракатлар дастури ҳамда бошқа минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларига зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигимиз **эътироф этилсин,**

Халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантиришга доир конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиш **ниҳоясига етказилсин.**

*Қозоғистон Республикаси номидан* **Н. НАЗАРБОЕВ.**
*Қирғизистон Республикаси номидан* **А. АКАЕВ.**
*Тожикистон Республикаси номидан* **И. РАҲМОНОВ.**
*Туркманистон номидан* **С. НИЁЗОВ.**
*Ўзбекистон Республикаси номидан* **И. КАРИМОВ.**

## «УММОН»НИНГ ҲАЙРЛИ ИШЛАРИ

***Туман Меҳнат биржаси қошида ташкил этилган «Уммон» кичик корхонаси маҳсулот бера бошлади.***

ИККИ ой бурун Машкура Абдураззоқова қандолатчилик цехи очиш истагида биржага мурожаат қилган эди. Бу ердагилар ишбилармон аёлнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашди. Унга кичик корхона ташкил қилишда ёрдам беришди. Қандолатчиларга дастлабки фаолиятларини бошлашлари учун 1 миллион сўм имтиёзли қарз ажратилди.

Бугунги кунда «Уммон» корхонасида тайёрланаётган ўн турдан ортиқ қандолат маҳсулотлари туман марказидаги дўконлар пештахталаридан жой олмоқда. Булар тортлар, пирожний, кекс, печенье каби хилма-хил маҳсулотлардир. Қандолат маҳсулотларининг арзон ва сифатлилигидан мактаб ошхоналари учун катта миқдорда буюртма тушмоқда.

Мазкур кичик корхонада беш киши ишлайди, — дейди Қибрай туман меҳнат биржаси директори Фазлиддин Содиқов, — ўтган йилнинг ўзида туманда юзлаб янги иш жойлари ташкил қилинди. 7 киши тажриба ўрганиш учун Жанубий Кореяга бориб келди. 451 нафар ишсиз фуқаро ишли бўлди. 58 киши янги касбларга ўқитилди.

***Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.***

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

# НАВРЎЗ ЯҚИН...

***ҲАДЕМАЙ, халқимиз ўзининг улуғ байрамларидан бири Наврўз айёмини шоду-хуррамлик билан нишонлайди. Айни кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларида ушбу байрамга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.***

ШУ ЙИЛНИНГ 1 март куни вилоят ҳокимлигида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида жорий масалалар кенг муҳокама этилди.

Унда ташкилий қўмита аъзолари, вилоят ҳокимлиги бўлим, бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, қатор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова бошқарди.

Вилоят, шаҳар ва туманларида Наврўз байрамига тайёргарликнинг бориши тўғрисида вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳовнинг ахбороти тингланди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу қутлуғ байрамга барча ҳудудларда тайёргарлик ишлари тобора кучайиб бормоқда. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда. Айни вақтда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам бор. Шунинг учун ҳам йиғилишда асосий эътибор ана шуларга қаратилди.

Аввало, бу умумхалқ байрами тантаналаридан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Шаҳар, туман ҳокимликлари, фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари ўз ҳудудларидаги ногиронлар, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар ва бошқа кўмакка муҳтож кишиларни йўқлаш, уларга ёрдам кўрсатиш учун лозим хайрли ишларни қилишлари керак. Байрам ўйин-кулги, сайл билан гўзал. Шундай экан жойларда савдо ярмаркаларини ташкил этиш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, майдонлар, сайлгоҳларни байрамга тайёрлаш асосий вазифалар сирасига киради.

Шу куни турли танловлар, спорт мусобақалари, миллий ўйинлар кўрикларини ташкил этиш, ҳаваскорлик уюшмаларининг чиқишларини уюштириш ҳам байрамга файз киритади.

Йиғилишда юқоридаги масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгиланди. Айни вақтда республикамиз пойтахтида ўтказиладиган байрам тантаналарида вилоят бадиий ҳаваскорларининг чиқишларини ҳамда халқ ҳунармандчилиги ярмаркасини ташкил этиш юзасидан ҳам зарур фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу ишга ҳар бир шаҳар, туман, корхона ва ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлиги таъкидланди.

Ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилишида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш ҳамда жойларда қилинаётган ишлар тўғрисида ҳокимликлар ва тегишли бошқармаларнинг ахборотларини тинглашга қарор қилинди.

# ОНА-ВАТАН ИЛҲОМ БЕРАР ШОИР, ҲОФИЗГА

***ЎТГАН йили мамлакатимизда ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичида иштирок этган хорижлик меҳмон ўз таассуротларини яширмай, «Бундай қўшиқ севар юртни кўрмаганман, қаранг ёшу-қари Ватан, юрт, халқ ҳақида куйламоқда, нақадар завқли», деган эди.***

ДАРҲАҚИҚАТ, бу танлов республикамизда халқ таналантларини юзага чиқаришда, она-Ватан ҳақида янги-янги қўшиқлар яратишда ўзининг муносиб изини қолдирди. Шунинг учун ҳам республика Вазирлар Маҳкамаси бундан буён ҳар йили «Ўзбекистон қўшиқ байрамини» ўтказиб бориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг йиғилишида барча шаҳар, туманлар, ҳудудларда бу байрамнинг юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини, ташкилий қўмита раиси Дилбар Жаҳонгирова бошқарди.

Қўшиқ байрами ўтказиш тўғрисида вилоят ҳокимининг маҳсус қарори қабул қилинди. Қарорда таъкидланганидек, барча шаҳар ва туманларда, ўқув юртларида, мудофаа ва ички ишлар бошқармалари тасарруфидаги бўлинмаларда, маданият масканларига бу тадбирни уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш вазифаси юкланди. Кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Низомда барча масалалар аниқ белгилаб қўйилди. Танловда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча фуқаролар, профессионал, ҳаваскорлик жамоалари, турли дасталар, якка ижрочилар, болалар боғчалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ҳарбий бўлинмаларнинг жамоалари иштирок этишлари мумкин. Танлов шартларига мувофиқ у уч босқичда ўтказилади.

Шу боис айни кунларда жойларда ташкилий ишларни кучайтириш керак бўлади. Маълумки, вилоятда танлов ғолибларини мукофотлаш учун муносиб совринлар таъсис этилди. Биринчи ўрин учун энг кам иш ҳақининг 60 баравари миқдорида, иккинчи ўрин учун 40 баравари миқдорида, учинчи ўрин учун 25 баравари миқдорида пул мукофотлари берилади. Бундан ташқари вилоятдаги қатор жамоат ташкилотлари, жамғармалар, корхона ва ташкилотлар ҳам қўшиқ байрамининг қатнашчиларини тақдирлаш учун махсус совринлар ва пул мукофотлари таъсис этиш ташаббуси билан чиқдилар.

Йиғилишда барча шаҳар ва туманларда ҳам ана шундай тақдирлаш тадбирларни кўриш тавсия этилди.

Йиғилишда вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳовнинг ахбороти тингланди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

## ХОРИЖЛИК БУЮРТМАЧИЛАРГА

***«БЎКА пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўз фаолиятининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини муттасил яхшилаб бормоқда.***

Айниқса, корхонада маҳсулот сифатини оширишда салмоқли ютуқларга эришилди. Шу туфайли ишлаб чиқарилаётган толага буюртмалар ой сайин кўпаймоқда. Ҳатто, хорижий мижозлар сафи ҳам кенгаймоқда.

Кейинги вақтларда Ирландия, Австрия, Италия, Швейцария, Россия мамлакатлари корхона жамоаси қўлидан чиқаётган «оқ олтин» толасини кўплаб сотиб олишмоқда.

Корхонада январь ойининг ўзида 850 тонна тола ишлаб чиқарилди.

***Даврон АҲМЕДОВ.***

## ШОҲ БЕКАТ ТАЪМИРЛАНДИ

ҲАР КУНИ минглаб йўловчиларга хизмат кўрсатаётган Бекобод шаҳар шохбекати йилдан йилга ободонлашиб бормоқда. Айни вақтда хизмат хажми ортиб, янги автобус йўналишлари жорий қилинмоқда.

Шунинг учун ҳам шох бекат маъмурияти ўз имкониятларини ҳисобга олиб, шаҳар ҳокимлигининг амалий ёрдамига таянган ҳолда станциянинг кутиш зали ва ҳудудини кенгайтириш тадбирларини амалга оширмоқда. Пудратчи «Ўзбекметаллуғқурилиш» ҳиссадорлик жамияти дарҳол ишга киришди.

Бинога кираверишдаги пештоқ миллий меъморчилик анъаналари асосида безатилди. Йўловчиларнинг автобусга чиқиш майдонини кенгайтириш ишлари ҳам ниҳоясига етди. Узунлиги 36, кенглиги 9 метрли бўлган чиқиш майдонининг усти ёпилди.

***А. АШУРОВ.***

# УЛАР ТЎЙТЕПАДА ЙИҒИЛДИЛАР

**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИДА НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ**

ШУ йил 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни ташкил этиш ҳамда туман ва шаҳарлардаги ҳудудий назорат инспекцияларининг фаолиятини яна да такомиллаштириш масалалари бўйича вилоятимизнинг Ўртачирчиқ туманида республика минтақавий семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Республика Президенти назорат инспекцияси, вилоят ҳамда Ўртачирчиқ туман ҳокимликлари назорат инспекциялари ташкил этдилар. Дастурга кўра семинарда Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда улардаги туманлар назорат инспекциялари раҳбарлари, шунингдек Андижон, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари назорат инспекцияларидан вакиллар қатнашдилар.

Семинар-йиғилиш иштирокчилари ишни Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги назорат инспекцияси, Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини, «Қорасув» деҳқон фермерлар уюшмаси, туман болалар марказий шифохонасининг бу борадаги фаолиятлари билан танишишдан бошладилар. Сўнгра улар «Кобул-Тўйтепа — Тўқимачи» қўшма корхонасида ҳам бўлиб мутахассислар, ишчилар билан суҳбатлашдилар.

Кейин мазкур корхона мажлислар залида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашувга тўпландилар.

Семинар-йиғилишда Ўртачирчиқ тумани ҳокимининг биринчи муовини А. Маҳмудов туманнинг иқтисодий, ижтимоий равнақи ҳақида батафсил ахборот берди.

Шундан сўнг Президент девони назорат инспекцияси масъул ходими А. Рустамов, Тошкент вилояти назорат инспекцияси бошлиғи, вилоят ҳокимининг муовини А. Бозоров, Ўртачирчиқ тумани назорат инспекцияси бошлиғи А. Каримовлар республика, вилоят, туман миқёсида 1996 йилда Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан амалга оширилган назорат тадбирлари, иш услублари ҳақида гапириб бердилар.

Анжуманда Бўстонлиқ тумани назорат инспекцияси бошлиғи Қ. Муродов, Жиззах вилоят назорат инспекцияси раҳбарининг ўринбосари О. Файзиев, Наманган вилоятидаги Наманган тумани назорат инспекцияси бошлиғи М. Эргашев, Сирдарё вилоятидаги «Оқ олтин» тумани назорат инспекцияси бошлиғи И. Норқулов ва бошқалар қуйи бўғинларда фармонлар ва қарорларнинг ижросини назорат қилиш борасида мазкур семинардан кўп нарса ўрганганликларини қайд қилдилар.

Айни пайтда улар назорат инпекциялари ходимлари учун махсус ўқув ташкил этиш, ходимларни транспорт билан таъминлаш, вақти-вақти билан семинарлар ўтказиб туриш тўғрисида қатор таклиф ва истаклар билдирдилар.

Семинар-йиғилишда Президент девонининг бош консультанти, республика назорат инспекцияси раҳбарининг ўринбосари Г. Дурнов сўзга чиқди.

## ҚИШЛОҚДА САВДО МАРКАЗИ

**Қишлоқларда яшовчи аҳоли турмушини фаровонлаштириш, маиший хизмат, савдо шаҳобчаларини қуриш ҳозирги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири.**

Бу борада Ўртачирчиқ туманидаги А. Икромов номли жамоа хўжалигида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунларда хўжаликда савдо маркази мажмуи қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Уни қурувчилар Наврўз байрамига фойдаланишга топшириш ниятидалар.

Кейинги пайтларда хўжалик маркази тубдан ўзгариб кетди. Бу ерда қатор маиший хизмат шаҳобчалари ишга туширилди. Ҳозир эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, гўшт ва озиқ-овқат дўконлари, вулканизация, этикдўзлик устахонаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Яқинда бу ерда нон ёпиш цехи ишга тушди.

***Маъмур БОЗОРАЛИЕВ.***

*Давр даъватига қулоқ солайлик!*

# ДОВОНДАН ДОВОННИ КЎЗЛАГАН ЯХШИ

***Халқимиз орасида умр оқар сувга ўхшайди, деган гап юради. Гоҳо ой-кунниг тезкор ўтишидан бу сўзлар бежиз айтилмагандек туюлади. Аслида ундай эмас. Орқада қолган дамларни сарҳисоб қилиб кўраман. Уларнинг бесамар кетмаганлиги кўнглимга равшанлик бағишлайди.***

Дарҳақиқат, беқиёс ўзгаришлар рўй берди юртимизда. Мамлакатимиз мустақил бўлди. Уни жаҳон таниди. Ўзлигимизни англай бошладик. Топталган қадриятларимиз тикланди. Истибдоднинг кўз илғамас кишанлари нафақат қўл-оёқларимиздан, тафаккуримиздан ҳам йўқолиб бормоқда. Рўй бераётган янгиланишларнинг ҳаётбахш тўлкинини ҳис эта бошладик. Ислоҳот жонимизга оро кирди. Эрк ва ҳурриятга юз тутган шу Ватан бизники, шу юрт бизники, деб унинг бахт-саодати йўлида сидқилдан меҳнат қилиш туйғуси дилларимизда уйғониб бормоқда.

Мулк соҳиби бўлиш масъулияти изланувчанликка, тадбиркорликка ўргатибгина қолмай, ўз эркингга ўзинг эга бўлиш туйғуси билан қўшилиб Ватанга меҳр-муҳббатни жўштирмоқда. Элга наф етказишга, турмуш тарзимизни, ишимизни янгича услубда юритишга даъват этмоқда.

Ҳаётда яхшиликка интилувчи, эл манфаати йўлида фидойилик кўрсатувчи кишилар сафида бўлиш, из қолдириш учун имкониятлар очилганидан дил ғурурга тўлади. Ҳамкасблар, бир мақсад йўлида бош қовуштириб ишлаётган жамоа деб аталган катта оиламиз билан бағримиз бутлигидан, юртимиз осойишта, осмонимиз тинч, хонадонимиз хотиржамлигидан дил таскин топиб ишга ихлос ортиб боради.

Янги-янги режаларни рўёбга чиқариш учун шундай муҳитда давр билан ҳамнафас қадам ташлаш кундалик турмуш тарзимизнинг мазмунига айланиб қолмоқда. Бу маром ҳар тонгда янги ҳаракатларга бошлайди. У чегара билмайди. Чунки, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун бир довонга эришган одам яна бошқасини кўзлаши керак.

Бугун ана шундай мақсадлар иштиёқида яна бир мусаффо тонг отди. Умримиз дафтарида эртагаёқ тарихга айланадиган яна бир зарварақнинг мазмуни шу тонгдан бошланади. Унда қандай маънолар бўлиши ўзимизга боғлиқ, албатта. Чунки, ҳур ва озод Ватанимизда яшаётган, қадриятини тиклаб бораётган халқ фарзандларидан яхшилик ва бунёдкорлик қолиши керак, деб ўйлайман.

Зеро, ҳар бир инсон, корхона ёки ташкилот жамоаси кўзланган мақсадга эришиш учун мунтазам ҳаракатда бўлиши, ташаббускорлик кўрсатиши кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу бозор иқтисодиётининг талаби ҳамдир.

Гоҳо ҳамма жойларда ҳам ана шундай изланишлар, ташаббускорликлар бўлмаётганлигидан юртимизнинг бир фуқароси сифатида ачиниб кетаман.

Яқинда бўлиб ўтган Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида Юртбошимиз таъкидлаган фикрларга эътибор қилайлик. Ҳақиқатдан ҳам хоҳ ишлаб чиқариш корхонасида, хоҳ ташкилотларда эскича ишлаш услубидан, тўрачиликдан воз кечилмаса, янгилик сари интилиш сезилмаса қандай қилиб кўзланган самараларга эришиш мумкин. Аниқ айтаман. Янгича ишлаш услубисиз унга эришиб бўлмайди. Буни биз бошимиздан кечирдик. Фақат мулкчиликнинг янги шаклига — ҳиссадорлик жамиятига айланганимиздан кейингина турмуш тарзимизга мазмун, даромадимизга барака кирди. Эндиликда янгича ишлаш неъматларидан баҳраманд бўла бошладик. Беш йилдирки, ҳиссадорлик жамиятимиз боқимандаликдан ҳолидир. Ўтган йили, айниқса, ютуқларимизни янада мустаҳкамладик.

Шу йилнинг январь-ойида 1996 йилги фаолиятимизни барча йўналишлар бўйича таҳлил қилиш жараёнидаги хулосалар, қайси жойда иш яғнича услубда жорий этилган бўлса, шу ерда муваффақиятлар қўлга киритилишини яна бир бор кўрсатди. Мавжуд автокорхоналаримизнинг ҳар бири мустақиллик йиллари ичида мулк шаклини биринкетин ўзгартириб ҳиссадорлик жамиятларига айланганларидан сўнг тезда ўз пайларини чиқара бошладилар. Ана шу жараёнда жамоа аъзоларига: янгича шаклга ўтиш нима беради, пай нима, дивиденд нима, энди кўпроқ моддий манфаатдор бўлиш учун қандай ишлаш лозим, буларнинг ҳаммаси эринмасдан тушунтириб борилди.

Айтиш керакки, олиб борилган тарғиботга қарамай, дастлабига ишчилар пайларни сотиб олишда сустроқ ҳаракат қилдилар. Орадан бир йил ўтгач, пайларни сотиб олган кишилар қўллари баракалигина пул кўрганидан кейин, яширишнинг ҳожати йўқ, қимматбаҳо қоғозларнинг «харидорлари» кўпайиб кетди. Уларни адолатли тарқатиш мақсадида жамоаларда корхонага кимнинг меҳнати кўп сингганлиги, ишга муносабати, интизоми, ҳамкасблари билан ўзаро муомаласи ҳам ҳисобга олинадиган бўлди. Бу ўз навбатида ҳиссадорлик жамиятларида уюшқоқлик, ахиллик муҳитини шакллантирди. Иш суръати ва сифатини оширди.

Мулк шаклининг ўзгариши автокорхоналар қиёфасига ҳам кўрк бағишлади. Янада аниқроқ айтганда, бу жойларни ишчилар иккинчи уйлари деб билиб, саройларни орасталашга, очиқ саҳналарда гулзорлар барпо этишга, цехларда қулайликлар яратишга алоҳида эътибор бера бошладилар. Айни пайтда автомобилларга хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш жараёнлари ҳам такомиллашиб борди. Мисол учун Бўстонликдаги Тошмат Аширбоев раҳбарлик қилаётган 125-сонли автокорхонани олайлик. Бу даргоҳда 1996 йил — «Ҳар бир машина учун юк мўл, манзил аниқ» шиори остида ўтди. Ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари бу оддий гап бўлиб қолмаслиги учун мавжуд транспорт ҳаракатини унумли ташкил этиш харитасини ишлаб чиқдилар. Яъни бир жойга юк олиб борган машина орқасига бўш қайтмаслигини таъминлайдиган узоқ муддатли ва тезкор тадбирлар дастури тайёрланди. Натижада автокорхонада йиллик юк ташиш режаси анча ортиғи билан бажарилди. Корхона концерн бўйича пайчиларга дивиденд тўлашда энг юқори кўрсаткичга эришди. Ҳар бир пайчининг ўртача дивиденди 23 минг 617 сўмни, оддий ишчининг ўртача ойлик маоши 4 минг сўмдан кўпроқни, илғор ҳайдовчиники эса 6-6,5 минг сўмни ташкил этди.

Худди шундай ташаббускорлик билан ишлаган 121-Янгибозор ҳиссадорлик жамиятида ҳам пайчиларга тўланган ўртача дивиденд 1995 йилдагидан зиёд бўлди ёки бир пайчига 20 минг сўмдан тўғри келди.

Алимкентдаги 46-, Пискентдаги 82-автокорхоналарда ҳам пайларга тўланган дивидендлар йилма-йил ортиб боряпти.

Жойлардаги жамоаларнинг бу ҳаракати концерн фаолиятида ижобий самаралар бермоқда. Ўтган йили 2251 автомобиль билан 20,8 миллион тонна юк манзилларга етказилди. Олинган даромад 1 миллиард 85 миллион сўмдан, соф даромад эса 83 миллион сўмдан ошиб кетди. Аҳолига 9,4 миллион сўмлик ҳизмат кўрсатилди.

Даромаднинг ортиб бориши, соф фойданинг кейинги 2 йилда кўпайиши пайчиларни ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини кенгайтирди Концерн автокорхоналари бўйича тўланган дивиденд 24 миллион 140 минг сўмни ташкил этди. Бу 1995 йилдагидан 3 миллион 200 минг сўм кўп демакдир.

Ислоҳотлар туфайли автокорхоналар қошида очилган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи цехлар, кичик корхоналар ҳам ўтган йили унумли меҳнат қилишди. Агар 1995 йилда бу жойларда тайёрланган маҳсулот ҳажми 1 миллион сўмликни ташкил этган бўлса, ўтган йили 1,4 миллион сўмликдан ошди. Шу жумладан, 600 минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам етиштирилди.

Мулк шаклининг ўзгариши жамоаларда қўшимча ижтимоий омилларга ҳам йўл очди. Қатор автокорхоналар соф фойдалари ҳисобидан меҳнат фахрийларига ички пенсиялар тайинладилар, ночор оилаларга ҳар чораклик йўқлов маблағлари ажратилди. Болали аёллар, кўп болали оналарга қўшимча ижтимоий муҳофаза этиш тадбирлари амалга оширилди. Ишчилар ҳайдовчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам касаба уюшмалари йўли билан анчагина режалар рўёбга чиқарилди. Бир қатор автокорхоналар ўзларининг оромгоҳлари, соғломлаштириш масканларини барпо этдилар.

Бу борада, айниқса, Чирчиқдаги Файзуллоҳ Тошмуҳамедов раҳбарлик қилаётган 2-автокорхона жамоаси иши бошқаларга намунали бўлди. Ишчилар бўш вақтларида бир неча йиллардан бери ажрик, тикан босиб ётган тепаликларни текислаб кенг майдон очдилар. Бу жойларга мевали дарахтлар экилди. Янги боғ уч йилдирки, тонна-тонналаб ҳосил бермоқда. Ундан корхона ишчилари ёз ва куз бўйи баҳрамандлар. Бундан ташқари, бу сўлим жойда улар хордиқ чиқариб, янги куч, ғайратга тўлмоқдалар.

Мен концернимиз фаолиятидаги иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларга даҳлдор мисолларни бежиз келтирмадим. Юртбошимиз республикамизнинг бир қатор вилоятлари кенгашлари, хусусан Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: «Ислоҳотларнинг тақдирини ҳал қилувчи масала — мулк шаклини ўзгартиришдир. Мулк ўзининг ҳақиқий эгасига етиб бориши учун... мулкдор ўзини ҳақиқий, асл мулк соҳиби сифатида ҳис қилиши учун етарли шарт-шароит яратиш зарур», дея таъкидлади.

Худди шундай шарт-шароит кенг имкониятларга эга бўлган мулк соҳиблари мамлакатимиз учун ҳам, жамоа учун ҳам, қолаверса шу жамоанинг ҳар бир аъзоси учун ҳам катта фойда келтираётганини биз ўз фаолиятимизда аниқ ҳис этяпмиз.

***Собир ЮСУПОВ,***
***«Тошвилюктранс» концерни бош раҳбари.***

# БУ МЕНИКИ, БУ СЕНИКИ ДЕЙИШ ЙЎҚ

*Ислоҳот одимлари*

БИНОКОРЛИК материаллари ва конструкциялари заводи бундан ўнларча йил илгари «Ўзметаллургқурилиш» трести ҳузурида ташкил этилган бўлиб, асосий вазифаси шу ташкилот бунёд этаётган иншоотлар учун маҳсулотлар етказиб беришдан иборат эди. Иқтисодий ислоҳотлар туфайли трест ҳиссадорлик жамиятига айланди. Бунинг натижасида завод ҳам мустақил корхона бўлиб қолди. У банкда ўзининг алоҳида ҳисоб-рақамини очди. Ҳиссадорлик жамияти билан ўзаро муносабатлар икки ўртада тузилган шартномалар асосида амалга ошириладиган бўлди.

Корхона мустақил бўлгач, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техник даражасини ошириш, айни вақтда, ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ва бошқа шу каби муаммоларни ҳал қилиш ўз зиммасига тушди.

Албатта, дастлабки вақтларда анча қийин бўлди. Тўпланиб қолган турли хил муаммоларни мустақил ҳал қилишнинг ўзи бўлмади. Лекин, энг муҳими, корхона соҳиби бўлиб қолган жамоа аъзоларининг фикрлашида, мулкка ва меҳнатга муносабатида ижобий ўзгаришлар сезила бошлади. Аҳиллик ва иноқлик янада ортди. Ўнларча миллат вакиллари бўлган ишчи-хизматчилар бир оила аъзоларидек ҳамжиҳатликда ишлай бошладилар. Илгаригидек, «бу меники, бу сеники» дейиш каби ҳолатлар батамом барҳам топди. Чунки, бир кишининг моддий манфаатдорлиги жамоа меҳнатига, жамоанинг манфаатдорлиги эса ҳар бир ишчининг фаолиятига боғлиқ бўлиб қолди.

Корхонада ишлаб чиқаришни бошқаришда юз берган бошқа ҳолатлар ҳам ўз самарасини бера бошлади. Жамоа ўз имкониятларини ҳисобга олиб, қурилиш ташкилотларининг буюртмаларидан ташқари халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Истаган харидор бу ерга келиб, ўзи учун зарур бўлган темир-бетон буюмлар ва бошқа шу каби қурилиш материалларини харид қилишлари учун имконият яратилди. Бу, айниқса, якка тартибда уй-жой қурувчилар учун жуда қўл келмоқда. Энг муҳими, истеъмол буюмларини сотишдан жамоа катта наф кўрди. Биргина ўтган йили 1 миллион сўмликдан ортиқ шундай маҳсулотлар сотилди. Бундан тушган пул ишчи-хизматчиларга маош сифатида тўланди. Чунки корхона маҳсулотини олган кўпгина корхона ва ташкилотлар ҳақни вақтида пул билан тўламаяпти. Кўпинча вексел ёки бошқа хом ашёлар билан қарзни узишяпти. Нақд пулнинг жамоа ҳисоб рақамида етарли бўлмаслиги қатор қийинчиликларни юзага келтираяпти. Айниқса, хорижий мамлакатлардан хом ашё келтириш мураккаблашмоқда. Масалан, Россиядан ингичка симлар олинади. Бунинг учун тўланадиган маблағ доим ҳам етарли бўлмаяпти. Оқибатда уни келтириш бир мунча камайди.

Жамоа ҳар бир сўм пулни ортиқча сарфламаслик йўлларини изламоқда.

— Заводимиз маҳсулот ишлаб чиқариш учун жуда кўп миқдорда қум, шағал ишлатади, — дейди завод директори М. Носиров. — Шаҳримизда бундай корхоналар бор. Уларнинг биридa номаъдан материаллар ишлаб чиқарилса, иккинчисида қум, шағал тайёрланади. Илгари уларнинг материалини олиб турардик. Лекин, ўтган йили бошқача йўл тутдик. Шундай хом ашёларни арзонроқ сотадиган корхоналарни изладик. Уларни топдик ҳам. Олмаликдаги худди шундай заводларнинг бири билан шартнома туздик. Шунга муносиб у бизга маҳсулот етказиб бермоқда. Албатта, Бекобод қаерда-ю, Олмалиқ қаерда, бу қимматга тушаётган бўлса керак, деган савол туғилиши мумкин. Биз бундай қарорга келишда ҳамма чиқимларни бирма-бир ҳисоблаб чиқдик. Ишонч ҳосил бўлгандан кейингина олмаликликлар ҳузурига бордик. Улар таклифимизни қабул қилдилар. Қисқа вақт ичида 1,5 минг куб метрдан ортиқ хом ашёни етказиб беришди. Бу биринчи чорак давомида бемалол ишлашимиз учун етади. Бозор муносабатлари шароитида бу тадбир ўзини оқлади, албатта. Анчагина сармоя жамоамиз ҳамёнида қоладиган бўлди.

Кўпгина мижозларимиз етказиб берилган материаллар ҳақини ўз вақтида тўлолмаяпти. Биз бу соҳада ҳам янги йўл қидирдик. Тўлов қобилиятига эга бўлган буюртмачиларни топиш ва улар билан ҳамкорликда ишлашга бел боғладик. Пулимизни бермаётган мижозларнинг айримлари билан алоқани узишга мажбур бўлдик.

Тўлов қобилиятига эга бўлган буюртмачилар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли қурилиш-монтаж трестини алоҳида таъкидлаш лозим. Трест маъмурияти биз етказиб бераётган материаллар ҳақини кечиктирмай тўламоқда. Биргина ўтган йили трест биздан 20 миллион сўмлик атрофида турли хил қурилиш материаллари ва конструкциялари олди. Жамоамиз Ширин шаҳрида барпо этилаётган уй-жойлар, маданий-маиший биноларга ҳам материаллар жўнатиб турибди. Бундан ташқари, Бекобод туманидаги олтинчи ва ўнинчи механизациялашган қўшма жамоалар буюртмаларини ҳам муддатида бажармоқда. Чунки бу мижозларимиз биздан олган қурилиш материаллари учун ҳақни кечиктирмай тўламоқдалар...

Завод маъмурияти бозор талабини ҳам муттасил ўрганмоқда. Ҳар бир янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан олдин унинг харидорлигини билиш лозим. Акс ҳолда фақат зарар кўриш мумкин. Заводда турли туман темир-бетон конструкциялари тайёрланади. Улар орасида қаватлар орасига қўйиладиган ғовакли плиталар қатта ҳажмни ташкил этади. Унинг бозори чаққон, талаб ошгандан ошиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, бундай темирбетон плиталар тайёрлашни кўпайтириш, унинг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилинди. Бунинг учун яна бир технологик линия қуришга киришилди. Маҳсулотнинг дастлабки намуналари олинди. Ҳозирги вақтда эса уни янада пухта созлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Шу кунларда корхонада ишлаб чиқаришнинг кемтик жойларини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Мавжуд барча асбоб-ускуналар рўйхатга олиниб, таъмирланиши зарур бўлганлари ажратилмоқда. Айниқса, янги қолиплар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки уларнинг анчагина қисми эскириб қолган, алмаштирилиши лозим. Қолиплар соз бўлса, маҳсулот ҳам сифатли бўлади. Трактор, бульдозер, экскаваторлар ҳам доим техник қаровдан ўтказилиб, ишга яроқли ҳолда сақланмоқда. Улардан самарали фойдаланиш эса жамоа меҳнати натижасининг баракали бўлишига ёрдам бераяпти.

Жорий йилнинг биринчи ойи якунлари ҳам чакки бўлмади. Бунда арматурачи С. Кирьянов, бетончи Ё. Ботиров, қоришма тайёрловчи К. Бекмуродовлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Жамоа мустақил бўлиб олгач, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ҳар бир ишчи-хизматчининг ўз вазифасига нисбатан масъулиятини кучайтириш ва иш натижасидан моддий манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган кўпдан-кўп тадбирларни амалга ошириши натижасида ишлаб чиқаришни кескин юксалтиришга эришди. Авваги йилда ҳаммаси бўлиб 29 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 50 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Бу жамоа юксалиш йўлига мустаҳкам тушиб олганлигининг ёрқин далилидир.

***А. АШУРОВ,***
***Ҳ. СОБИРОВ.***

# ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИДА ЯНГИЛИК

ТОШКЕНТ шаҳар телефон тармоғи кундан-кунга кенгайиб, абонентларининг сони ортиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда ўз хизмат муддатларини ўтаб бўлган, ҳам жисмонан, ҳам маънавий эскирган, аҳолининг телефон алоқасига нисбатан кун сайин ўсиб бораётган талабларини қондираолмай қолаётган АТСларнинг янги, замонавийларига алмаштириш жадал бораяпти.

Амалдаги АТСлар қаторига шу станция ускуналари электрон жиҳозларига алмаштирилган ёки янгидан қурилган 32, 36, 39, 44 ва 16-АТСлар қўшилди. 52, 70, 73, 25, 95, 91/99 ва 62/69-АТСларда эса электрон АТСларини монтаж ва созлаш ишлари тугалланиш арафасида турипти. Бу станциялар жиҳозлари асосан Олмониянинг «Алкатель», «Сименс», Италиянинг «Италтель» ва Туркиянинг «Неташ» фирмаларининг маҳсулотлари бўлиб, электроника, электротехника ва электр алоқаси соҳасида эришилган фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштиган.

Электрон АТСларнинг ишга тушиши орзиқиб кутилган юқори самарани беради, деб кутилди. Бунинг асосий сабабларидан бири — таркибида 50 дан ортиқ АТСи бўлган тармоқнинг станцияларо алоқа кабелларининг узоқ муддат фойдаланилиши натижасида техникавий ҳолатнинг талаб даражасида эмаслиги ёки станцияларо туташтирувчи линияларнинг етишмаслиги ва шу боис бир АТСдан иккинчисига чиқишдаги қийинчиликлар бўлди.

Тармоқнинг эндиги ривожланиши ва янги АТСлар қурилиши борасида яна бир нарса кўзга ташланиб қолди. Гап шундаки, АТСларга бериладиган иккита рақамдан иборат индекслар тугаб бормоқда. Агар «0» рақами орқали махсус хизмат турларига, «8» рақами орқали шаҳарлараро телефон алоқасига чиқилишини назарда тутсак бошқа барча рақамлар бирин-кетин банд бўлиб бормоқда. Ана шу икки муаммони бир йўла ҳал этиш мақсадида 1996 йилнинг май ойида Тошкент шаҳар телефон тармоғини рақамлаштириш концепцияси қабул қилинди ва тез орада лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Рақамлаштиришнинг биринчи босқичида тармоқ абонентларининг телефон рақамлари аралаш, яъни 6 ва 7 рақамдан, аниқроғи амалда ишлаб турган барча электрон АТСлар абонентларининг телефон рақамлари IXXXXXX кўринишида 7 та рақамдан иборат бўлади. Бошқа мавжуд АТСлар абонентлариники эса ўзгармай 6 та рақамлигича қолаверади. Масаланинг айнан шундай ҳал қилиниши амалдаги электрон АТСларини нисбатан осонликча 7 та рақамликка ўтказиш, бошқа турдаги АТСларни эса 7 та рақамликка ўтказиш учун лойиҳа, қурилиш-монтаж, созлаш ишларига кетадиган талайгина маблағни тежаб қолиш имконини беради. Янги рақам сифатида 1 танланиши эса тармоқда 1 билан бошланадиган ҳозирча ягона 16-электрон АТСнинг борлиги ва уни осонликча етти рақамлига ўтказиш мумкинлиги билан изоҳланади.

1996 йилнинг иккинчи ярмидаёқ умумий узунлиги 113 километр бўлган, транспорт халқаси деб номланган шиша толали кабелли алоқа линияси қурилишига киришилди. Электрон АТСлар орасида «ҳар бири — ҳар бири билан» усулида алоқа ўрнатилади. Тармоқдаги бошқа турдаги (ҳозирча 6 та рақамлилигича қоладиган АТСлар билан) электрон АТСлар орасида алоқа эса тандем станцияси деб номланган оралиқ станциялари орқали ўрнатилади. Ҳалқа ичида икки томонлама йўналишда алоқа таъминланади. Бу алоқа кабели бирон ерда шикастланган тақдирда ҳам бошқа йўналиш орқали, иш сифатига таъсир этмаган ҳолда, алоқа ўрнатиш имконини беради. Амалдаги телефон тугунлари учун ҳам ўз халқалари ташкил этилади.

Табиийки, бундан буён қуриладиган телефон станциялари еттита рақамли электрон АТСлари бўлади ва улар шаҳар телефон тармоғига осонликча уланаверади. Энг муҳими, олиб борилаётган бу чоралар якин кунларда тармоқ иши сифатини кескин яхшилаб, республикамиз пойтахти телефон алоқаси хизматини ривожланган давлатлар телефон тармоқлари даражасига чиқишини таъминлайди.

***Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,***
***алоқачи муҳандис.***

***СУРАТЛАРДА: Тошкентдаги 22/23 — АТС муҳандислари Абдуқаҳҳор Абдураҳмонов, Хатира Бикерова ва созловчи Елена Мироненколар асбоб-ускуналар ишини кузатмоқдалар (пастда); шаҳар телефон тармоғида 30 йилдан бери сидқидилдан хизмат қилиб келаётган Малика Шораҳмедова номини 35 — АТС жамоасининг ҳар бир аъзоси катта ҳурмат билан тилга олади. У ўзининг бой иш тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Ўнлаб шогирдлар устоз билан ёнма-ён ишлаб келишяпти.***

***Муаллиф олган суратлар.***




## БАЛИҚ СЕРОБ БЎЛАДИ

● НУКУС шаҳридаги марказий деҳқон бозорида балиқ сотиладиган иккита дўкон қуриб битказилди. Эндиликда шаҳарликларни тирик балиқ билан таъминлаш икки баравар кўпаяди. Бу вазифани «Нукусбалиқ» ҳиссадорлик жамияти аъзолари бажаради. Гап шундаки, янги йилдан эътиборан уларга Мўйноқ тумани ҳудудидаги кўллардан, ички сув ҳавзаларидан ҳамда Амударёдан балиқ овлашга рухсат берилди. Зарур анжомлар, техника воситалари билан пухта таъминланган нукуслик балиқ овловчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки ярим баравар кўпроқ балиқ топширди.

## ҚЎҚОН КРЕСЛОЛАРИ

● ҚЎҚОН тўқимачилик машинасозлик заводи мутахассислари сартарошхоналар учун зарур креслолар тайёрлашни йўлга қўйди. Улар республика маиший хизмат уюшмасининг буюртмасига биноан ишлаб чиқарилмоқда. Янги маҳсулотнинг тажриба туркуми мижозларга ғоят манзур бўлди. Ҳозирдаёқ улар пойтахтдаги сартарошхоналарга жўнатила бошлади.

## САРА УРУҒ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

● ХЎЖАОБОД пахта тайёрлаш заводи Тошкент вилоятининг Бўка тумани хўжаликларига 220 тонна сара уруғлик чигит жўнатди. Униб чиқиш даражаси 97 фоизга етказилди. Шу мақсадда уруғлик аэродинамик усулда икки марта сараланди. Корхона янги мавсумга 1 минг 350 тонна уруғлик тайёрлади. Хўжаобод ва Булоқбоши туманлари хўжаликларига плёнка остига экиш учун 500 тонна туксизлантирилган чигит етказиб берилди. Шуни айтиш керакки, уруғлик корхона ёрдамчи цехида тайёрланаётган қоғоз ва бўз қопларда жўнатилмоқда.

## УРГУТ НАВРЎЗГА ЧОРЛАЙДИ

● УРГУТ ўзининг сўлим табиати, пурвиқор тоғлари, зилол сувли булоқлари, ям-яшил ўрмону боғлари, эртакмонанд кошоналари билан донг таратган. Бу ерда халқ сайллари, маданий тадбирлар ҳамиша ўзига хос тарзда нишонланади. Ургутликлар бу йилги байрамга алоҳида тайёргарлик кўрмоқда.

— Ургутнинг энг баланд жойи ҳисобланган Тўғхона ўша куни байрам марказига айланади, — дейди туман ҳокими У. Маҳматмуродов. — Бу ерда чинакам халқ сайли ўтказилади. Бадиий ҳаваскорлик дасталари, санъаткорлар, қизиқчилар ўз маҳоратини намойиш этади. Тошкент ва Самарқанддан ташриф буюрадиган бадиий жамоалар ҳам байрамга шукуҳ бағишлайди. Айни пайтда туманда наврўзга бағишланган хайрия ойлиги, умумхалқ ҳашари эълон қилинган. Байрам арафасида 240 ўринли мактаб, иккита қишлоқ врачлик пункти, янги савдо ва маиший хизмат дўконлари очилади.

***ЎзА муҳбирлари хабарларидан.***

# ТОМОРҚА БАРАКОТИ

*Бу ҳақда сессияда гапирилган эди*

БУ ВОҚЕАГА ўн йилларча бўлди. Абразив заводи ҳудудида Энвер исмли бир йигит истиқомат қиларди. Заводда ишлаб қайтгандан кейин у нари борса, уч бўйра ҳажмидаги (тахминан эни икки, бўйи саккиз метр) жойдаги иссиқхонасида куймангани-куйманган эди. У парваришлаган помидор, булғор қалампири кўчатлари бир текис, бақувват бўлиб етиларди. Дилкаш, очиқ чеҳрали инсон бўлгани учун самимий суҳбатлашар, меҳнати самарасидан мамнунлигини очиқ-ойдин сўзларди.

Йўлимиз Энвер яшайдиган уй яқинида бўлганлиги туфайли, у билан тез-тез учрашардик. Гоҳо суҳбат чоғида даромади билан қизиқар ҳам эдик.

— Шу кўчатхона беш минг ташлаб кетди, — деди у кулиб бир куни. — Жой танқисда, бўлмаса-ку пул кетимиздан қувиб юрарди-я. Меҳнаткаш одамни ер севади. Бу шунчаки гап эмас. Билиб куч-ғайрат сарфлаганга саховатини аямайди.

Бундан тўрт йил аввал Энвер Қримга кўчиб кетди. Уйига бошқалар ўтишди. Биз ҳамон ўша ерга яқин йўлдан юрамиз. Энвернинг кичик иссиқхонасини энди ахлат уюмлари босиб ётибди. Ёзда ажриқ босади, кузда хазонлар ўша майдончада ёқилади. Бу тафсилотни бежиз келтираётганимиз йўқ. Ерга бўлган икки хил муносабатни ўз кўзимиз билан кўрдик. Бир инсон уни даромад манбаига айлантирди, бошқаси хор қилиб қўйди.

Яқинда бўлиб ўтган Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида томорқадан унумли фойдаланиш кераклиги хусусида юртбошимиз жон куйдириб гапирди. Дарҳақиқат, сессияда қайд этилганидек, кўпгина жойларда ҳокимликлар, жамоа хўжаликлари раҳбарлари бу масалага етарли эътибор бермаяптилар. Ваҳоланки, томорқа бу қўшимча даромад манбаи эканлиги кўплаб меҳнатсевар кишиларга аён.

— Ота-боболаримиз айтган, йиллар давомида қадри ортиб бораётган сўзларга чиндан қойил қоламан, — дейди Тошкент туманидаги Чоштепа қишлоқ фуқаролар йиғинининг Наврўз маҳалласида истиқомат қилувчи пенсионер-ўқитувчи, биология фанлари номзоди Маннон Ортиқов. — Улар «Ер — хазина» деган икки оғиз сўз билан топиб таъриф беришган. Ернинг чиндан ҳам ҳазина эканлигини ўсмирлигимданоқ биламан. Чунки, ота-онамиз бизни меҳнат билан тарбиялашган. Дарслардан бўш пайтларда, дам олиш кунларида деҳқончилик билан шуғулландим ва ҳозир ҳам бу касбни давом эттиряпман. Бозорда сабзавот, картошка, умуман, кўпгина маҳсулотларни сотиб олишга эҳтиёж қолмайди. Қайтага ортиқчасини сотиб, даромадга даромад қўшамиз. Гоҳо фойдаланилмай тиканак ўсиб ётган ерларни кўрсам ачиниб кетаман. Бу жойларда ҳам қанча ризқ-рўз яратиш мумкин эди, деган ҳаёл кўнглимдан ўтади.

— Очиғини айтсам, аждодларимиз деҳқончиликдан обрў-эътибор топган кишилар, — дейди суҳбатга қўшилиб Абдуҳаким Ҳошимов. — Улардан кўп нарса ўрганаман. Гул, лимон, сабзавот етиштиришни отамларга эргашиб, пухта эгаллаб олдим. Эндиликда иссиқхонада баракали ҳосил етиштиряпман. Давлат ишидан бўш вақтларимда шу касбим билан овунаман. Дастурхонимиз ҳамиша тўкин, рўзғоримиз бут.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Дастлаб қийналдим. Сармоя борасида отам ёрдам бердилар. Ўзим оёққа туриб олгач, яхшигина даромад топишга эришдим. Энди бу ҳунаримни жиянларимга ўргатяпман. Президентимизнинг томорқадан унумли фойдаланиш борасидаги фикрларини қўллаб-қувватлайман. Зеро, меҳнат қилган одам кам бўлмайди.

Вилоятимизнинг Паркент, Юқоричирчиқ туманларида ҳам томорқаларидан унумли фойдаланаётган кишилар кўп.

— Биласизми, туманимизда адирликлар, қияликлар анчагина, — дейди Паркентдаги «Бойқозон» корпорацияси бош ҳосилоти Садриддин Орзиев, — уларга тутташган шундай жойлар бўладики, бу ерларга трактор асло кира олмайди. Ана шундай бўлтак жойларни ҳам биз одамларга бўлиб берганмиз. Эплаганлар бир эмас, икки мартадан ҳосил олишяпти. Йилига топадиган даромадаларига барака киритмоқдалар. Ерни ҳеч қачон исроф қилмаслик керак. У ризқ-рўз манбаидир.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, агар одам ернинг тилини билса, шахсий томорқасидан унумли фойдаланса, ўз бойлигига бойлик қўшади. Шу боис сессияда таъкидланган фикрга, айниқса, туманлар ҳокимлари, жамоа хўжаликлари раҳбарлари жиддий эътибор беришлари керак. Ислоҳотлар, бозор иқтисодиётининг ўзига хос талаблари ҳар бир раҳбар ходимдан, ҳар бир меҳнат кишисидан ерга, айниқса, томорқаларга бўлган муносабатда ўзгаришлар ясашни талаб этмоқда.

*Саидвали ҲАСАНОВ,*
*Баҳодир ВАЛИЕВ.*

*БАҲОРНИНГ илиқ кунлари деҳқону-соҳибкорларни дала ва боғларга етакламоқда. Улар боғлар орасини чопмоқдалар, ўғитламоқдалар, дарахтларга шакл бериш билан шуғулланмоқдалар. Боғни боқсанг боғ бўлади, ботмон дахсар ёғ бўлади, дейди халқимиз... Ҳа, боғ жамоли—боғбондан. Ушбу суратда Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг баҳорги юмушлар билан банд бўлган бош ҳосилоти Дадақўзи Каримов ва боғбон Мирғиёс Усмоновларни кўриб турибсиз.*

## ОЗОДАЛИК ИККИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРКЕНТ. Туман саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва ташкилотлари вилоят ҳокимлигининг умумхалқ байрами — Наврўзни муносиб кутиб олиш учун озодалик икки ойлиги ўтказиш тўғрисидаги қарорини изчил амалга оширмоқдалар. Паркент шаҳрида, туманнинг барча маҳаллаларида бу тадбир муносабати билан ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Сув йўлларини тозалаш, кўчаларни таъмирлаш, майдонлар, хиёбонларни орасталашда жамоалар, ўқув муассасалари талабалари фаол қатнашмоқдалар.

•

ЮҚОРИЧИРЧИҚ. Ҳар қачонгидек туманда вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ орасталик икки ойлигини ва умумхалқ ҳашари кунини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларга мувофиқ Янгибозор қўрғони, «Гулистон» корпорацияси, «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудларида озодаликни таъминлаш ишлари жадал боряпти. Бу тадбирларда фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар қўмиталари раислари, мактаблар директорлари бошқош бўлмоқдалар. Қисқа муддат ичида Янгибозор — Тошкент йўли, шунингдек Янгибозор қўрғонидаги бир қатор хиёбонлар, гулзорлар атрофлари орасталанди. Истироҳат боғини таъмирлаб, унга чирой бахш этишга киришилди.

*Саид ВАЛИЕВ.*

## УРУҒЛИК КАРТОШКА МУАММОЛАРИ

*Фан-техника янгиликлари*

*Республикамиз яқин йиллар ичида энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бири бўлган картошкани кўплаб етиштирадиган мамлакатга айланиши мумкин. Олимларнинг фикри ана шундай.*

*Ўзбекистон Фанлар академияси сабзавот, полиз экинлари ва картошка илмий тадқиқот институти биотехнология лабораториясининг мудири Анвар НУРИТДИНОВ ЎзА мухбирига бу экинни етиштиришнинг янги усулларини ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди:*

— Республикамизнинг эҳтиёжини тўла қондириш учун озиқ-овқат мақсадларига, шунингдек уруғлик учун ҳар йили тахминан 1 миллион 200 минг тонна картошка етиштириш зарур. Қиёслаш учун рақамларни келтирамиз: сўнгги йилларда мамлакатимизда картошка ялпи ҳосили 500 минг тоннадан ошмаяпти. Қолган қисмини хориждан сотиб олишга тўғри келмоқда.

Биз, олимлар, агар картошка ҳосилдорлигини анча оширишга имкон берадиган янги, замонавий технологиялар жорий этилса, Ўзбекистон ўзини картошка билан таъминлашга қодир, деб ҳисоблаймиз. Ҳозир эса картошка ҳосилдорлиги, мисол учун олганда, Германия, Голландия, АҚШ каби ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча кам.

Картошкачиликдаги асосий камчиликлардан бири сифатли уруғликнинг йўқлигидир, уруғлик картошкани республикамиз чет элдан сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистонда жаҳон андозалари даражасида уруғлик картошка етиштиришни ташкил этиш учун етарли илмий салоҳият ва техник база мавжуд. Жаҳондаги кўп мамлакатлар уруғлик картошкани сотиб олмайди, балки биотехнологик усуллар ёрдамида ўзи етиштиради. Ана шундай усуллардан бири ўсимлик ҳужайраларидан пробиркаларда кўчат етиштиришдир.

Бу усулнинг афзалликлари кўп. Шу йўл билан олинган картошка вируслар, бактериялар билан зарарланмаган бўлади. Фақат шунинг ҳисобидан ҳосилдорлик 30—40 фоиз ошади. Бунинг устига бу усул бир дона картошкадан йилига 1 миллион донагача картошка олиш имконини беради.

Бизнинг илмий тадқиқот институтларимизда бу усулни ривожлантириш билан шуғулланадиган биотехнология марказлари ташкил этилди. Бу марказлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган, ҳар бирида ярим гектардан ойнавонд теплица ва зарур экин майдони мавжуд. Соғлом уруғлик картошка олишнинг бутун бир цикли шу ерда ишлаб чиқилди ва табиий шароитда синаб кўрилди. Бу марказлар ҳар йили 30—40 минг туп картошка кўчати беришга қодир. Лекин тармоқнинг эҳтиёжи беш баравар кўпроқ. Шу сабабли Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам биотехнология марказлари барпо этиш долзарб бўлиб турибди.

Институтимиз мутахассислари «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси билан биргаликда картошкани янги усулда ўстириш учун ишлаб чиқариш комплексларини тайёрладилар ва табиий шароитда синаб кўрдилар. Шуниси ҳам муҳимки, бу комплекслар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар асосида ишлайди.

Яқин йиллар ичида тармоқ самарадорлигини ошириш учун уруғлик картошка етиштиришни йўлга қўйиш билан бирга республика минтақаларида махсус илмий-ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг фаолияти хўжаликларни илм-фаннинг бу соҳасидаги ютуқлари тўғрисида зарур ахборотлар билан таъминлашга, янги технологияларни жорий этиш юзасидан ҳамкорларни излашда ёрдам беришга қаратилади. Бундай фирмалар ёки бирлашмалар қошида у ёки бу усулларни қўлланиш истиқболларини намойиш этиш учун, шунингдек деҳқонларга бу усулларни ўргатиш учун ўқув майдончалари ташкил этилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси республика аҳолисини ўлкамизнинг ўзида етиштирилган картошка билан тўла таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

*Анна ИВАНОВА,*
*ЎзА мухбири.*

## ҒАЛЛАКОРНИНГ БАҲОРГИ ЮМУШЛАРИ

*Мутахассис тавсия этади*

**ВИЛОЯТИМИЗДА МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН ЗАМИН ЯРАТИЛДИ. ЭНДИГИ ВАЗИФА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА МАРОМИДА БАЖАРИШДАН ИБОРАТДИР.**

Дон етиштириш технологияси ғоят мураккаб жараёндир. У уруғликни тозалаш ва сифатли қилиб экишдан тортиб ундириб олиш, ниҳоллари парваришлаш ва вақтида ўриб-янчиб олишгача бўлган барча тадбирларни ўз ичига олади. Ғалла экинлари вегетацияси турли даврларда айниқса, кузги ғалланинг қишдан чиқиб эрта баҳорда намликка, иссиқликка, озуқа моддаларига нисбатан талабчанлиги турлича бўлади. Ҳар бир ғаллакор бу жараёнларни яхши билиб ва унга тўла амал қилсагина мўл ҳосил етиштиришга эришади.

Тошкент вилоятида 1997 йил ҳосили учун 131560 гектар майдонга, шу жумладан, 108 минг 50 гектар суғориладиган ерларга ҳамда 25512 гектар лалми майдонларга ғалла уруғлари экилган. Асосий майдонларда уруғ тўла ундириб олинди ва ғалла майсалари ҳосил бўлди. Эндиги вазифа мавжуд ғаллазорларни қаттиқ назорат остига олиб, ниҳоллар парваришини кучайтиришдан иборатдир. Ер оби-тобига келгач далага тракторларни олиб кириш имкони бўлиши билан қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишга киришмоқ лозим:

**ЭКИННИ ЎҒИТЛАШ.** Ўртачирчиқ, Чиноз, Қуйичирчиқ, Оҳангарон, Паркент туманларида кузда уруғ экилган майдонларнинг 55—75, бошқа туманларда эса ғалланинг 80—100 фоиз қисми озиқлантирилган. Кузда озиқлантирилмаган майдонларда март ойи бошларида гектарига соф ҳолда 25—30 килограмм азот, 90 килограмм фосфор ва 60 килограмм калий ўғитларини бериш лозим.

Бошоқли дон экинлари уруғи тўла униб чиққанидан 8—10 кун ўтгач 3 сантиметр чуқурликда ҳосил бўладиган илдиз бўғзидан чин томирлар ва ён шохчалар пайдо бўлади. Ён шохчалардан эса туплар ҳосил бўлади. Тупроқда ҳарорат, намлик ва озуқа моддалар қанчалик кўп бўлса, туплаш жараёни шунчалик тезлашади. Акс ҳолда эса маҳсулдор поялар сони кам, бошоқлар майда бўлиб қолади. Туплаш даври бошоқли дон экинлари вегетацияси даврида ғоят масъулиятли давр ҳисобланади. Чунки бошоқларнинг сони айни шу даврда шакллана бошлайди. Бу даврда экин 250—300 даража ҳарорат ҳамда гектарига 600—700 куб метр ҳажмда сув талаб қилади.

Азотли ўғитлар билан биринчи озиқлантиришни ўсимликнинг туплаш даврида (март ойи бошида), иккинчи озиқлантиришни найчалаш даврида (март ва апрель ойларида) ўтказилади. Тупроғи чиринди ва озуқа моддаларига бой бўлган ёки беда ва бошқа дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилган ғаллани ўғитлашда ўғитлар йиллик меёрини 10—15 фоиз камайтириш мумкин. Аксинча тупроғи унумсиз ерларда бу кўрсаткич 15—20 фоиз оширилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, азотли ўғитларнинг меёрдан ортиқ берилиши экинни ғовлатиб юбориши мумкин. Ўсимлик туплари ётиб қолиши натижасида ҳосил камаяди.

Вилоятимизда экилган «Спартанка», «Скифянка» ва «Юна» навли ғаллани озиқлантириш пайтида кузда ўғит берилган майдонларда соф ҳолдаги азот ўғитини 2—3 бўлакка бўлиб, март ва апрель ойларида 80—90 килограммдан бериш лозим. Кузда ўғитланмаган майдонларда эса март ва апрель ойларида 80—90 килограммдан солиш тавсия қилинади.

**СУҒОРИШ МЕЁРИ ВА МУДДАТЛАРИ.** Ғаллани баҳорги суғориш муддати ва меёри қуйидагича: енгил, қумоқли тупроқларда ғаллани эрта баҳорда туплаш даврида, озиқлантирилгандан кейин гектарига 500—550 куб метр, найчалаш даврида 550—650 куб метр, бошоқлаш даврида эса 650—750 куб метр сув сарфлаб суғорилади. Сизот сувлари ер юзидан 1—3 метр чуқурликка жойлашган майдонларда экинни суғориш миқдори 15-20 фоизга камайтирилади. Чунки бу жойларда ғалла ер ости сувларидан қўшимча сув олади. Вилоятдаги тупроғи шўрланмаган, мелиоратив ҳолати яхши майдонларда суғориш жўяклар ёрдамида бажарилиши лозим. Жўякларнинг оралиғи эса тупроқ таркиби ва сизот сувларининг узоқ-яқинлигига қараб 70—100 сантиметр қилиб олинади. Суғоришни тезлатиш ва сувни тежаш мақсадида ўқариқлар оралиғи 80—100 метрдан ошмаслиги зарур.

Кузги ғалланинг ҳар бир гектаридан 40—45 центнердан ҳосил олиш учун 3,8—4 минг куб метр, 50—60 центнердан ҳосил олиш учун эса 4,5—5 минг куб метр ҳажмда сув сарфланиши лозим. «Спартанка», «Скифянка» ва «Юна» навларидан юқори ҳосил олиш баҳор пайтида ер шароитига қараб 5—6 марта ва ундан ҳам кўпроқ суғорилишига боғлиқ.

**БЕГОНА ЎТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ.** Суғориладиган ғалла майдонларида кенг тарқалган шўра, олабута, ёввойи сули, қўйпечак, сариқ пахта, тикон ўтлар буғдой озуқасига шерик бўлиб, унга нисбатан 20—30 баравар кўп озуқани истеъмол қилади. Бир туп буғдойда ўртача 70—80 та дон ҳосил бўлгани ҳолда шўраўт буғдойга нисбатан 2—10 минг баравар кўп уруғ беради ва булар тупроқда тез кўпайиб, ғалла ҳосилини камайтирибгина қолмай, уруғлик сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги даврда суғориладиган далаларга тозаланмаган уруғлар экилишига йўл қўйилаётгани, ерни ўз вақтида суғормаслик, чимқирқмайдиган плуглар билан ҳайдалгани, экишдан олдин енгил ишлов бериш, кузда вегетация сувини оқизмаслик, алмашлаб экиш жорий этилмаётгани, бир далага 2—3 йилдан кўпроқ ғалла экишга йўл қўйилаётгани ва бошқа омиллар турли хил бегона ўтларнинг кенг тарқалишига сабаб бўляпти. Ғўза қатор ораларига ғалла экилган майдонларда тупроққа яхши ишлов бермаслик сабабли шу ерларни ўт босяпти. Бундай майдонларда бегона ўтларга қарши гербицидларни ишлатишни тавсия қиламиз.

БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, УНГА ҚАРШИ ҚУЙИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЗАРУР

АГРОТЕХНИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР:

— Баҳорда ариқ ва зовурларнинг, суғориш шоҳобчаларининг атрофларидаги, уватлар ва бўш қолган ерлардаги ёввойи ўтларни йўқотиш;

— Кузда ғалла экиладиган майдонларни нам тўплаш учун сентябрь ойида суғориш, ғалла униб чиққандан кейин кузги сувни бериш;

— Бегона ўт босган ғаллазорларни 1—2 марта ўтоқ қилиш;

— Чиримаган гўнгни солишга йўл қўймаслик.

КИМЁВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР:

— Ғалла экинларига бегона ўтларга қарши кимёвий курашда ўсимликни туплаш даврида (февраль ва март ойидан) найчалаш даврига киргунга қадар (март ва апрель ойларигача) кимёвий ишлов бериш лозим.

ГЕРБИЦИДЛАР ЭСА ҚУЙИДАГИ МИҚДОРДА СОЛИНАДИ:

48 фоизли базагран — ҳар гектар ерга 2—3 литр.

75 фоизли гранстар — ҳар гектар ерга 20 грамм.

Парднер — ҳар гектар ерга 1,5 литр.

Ушбу гербицидлар 250 — 300 литр сувга аралаштирилиб, ОВХ—28 ёки ОН—630 пуркагич аппаратлар билан сепилади.

**ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА БАҲОРГИ ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ.**

Тошкент вилояти лалмикор майдонларида ғаллани экишнинг энг мақбул муддатлари — февраль ойи ичи ва март ойининг бошлари, тоғлик минтақада эса 15-март ва апрель ойлари ҳисобланади. Бунда буғдойнинг «Тезпишар», «Грекум—430», «Интенсив» навлари, арпанинг эса «Унумли арпа», «Нутанс—799» навларини эккан маъқул.

Уруғликни экиш миқдори пастки лалмикор ҳудудларда буғдойни гектар бошига 100-120 килограммдан, арпани 120—132 килограммдан, тоғолди ва тоғли ҳудудларда 130-150 килограммдан буғдой, 143—165 килограммдан арпа экилади. Лалмикор майдонларга кузда экилган ғалла қишловдан сўнг ҳар бир квадрат метр ўринда текислик ҳудудларида 20—30 та, қирадирлик ҳудудларда 30—40 та, тоғлик ва тоғолди ҳудудларда эса 50—60 та ўсимлик бўлганида қўшимча уруғлик экиш тавсия қилинади.

Лалмикор ерларда ғаллани озиқлантириш учун маъданли ўғитлар баҳорда уруғ экиш билан бирга, кузда экилганларига эса февраль ва март ойларида ғалла майсаларининг вегетация даври бошланганда берилади. Ёғин-сочин кам бўлган пастки ҳудудларда озиқлантириш деярли самара бермайди. Ана шу сабабли ёғингарчилик етарли бўлмаган лалмикор ерларда ҳар гектар ер ҳисобига 5—10 тонна маҳаллий ўғит, 30—40 килограмм азотли ва 30—40 килограмм фосфорли ўғитлар беришни тавсия қиламиз. Ёғингарчилик етарли бўлган тоғолди ва тоғлик зоналарда ҳар гектар ғаллазорга 40—60 килограммдан азот ва 40—60 килограммдан фосфор ўғитлари бериш мумкин.

Лалмикор майдонларда ғалла орасида ўсадиган бегона ўтлар дон ҳосилини 39—40 фоиз миқдоргача камайтириб юборади. Шу сабабли уларга қарши қаттиқ кураш олиб бориш зарур. Бегона ўтларга қарши агротехник курашнинг самарали чораларидан бири эса бороналашдир. Бу тадбир бошоқли дон экинларининг тўлиқ тупланиш даврида кўчатлар сони мақбул меёрда бўлганда ўтказилади.

Ерни бороналаш тишли бороналар ёрдамида экиш йўналишига кўндаланг тарзда ёки дала диоганали бўйлаб ўтказилади. Бороналаш ишлари бажарилган тупроқда намлик яхши сақланади ҳамда бегона ўтлар нобуд бўлади. Булардан ташқари кимёвий препаратлардан ҳам фойдаланиш лозим. «Хардин» гербицидини ишлатиш миқдори таъсир этувчи дори ҳисобида гектарига 100—150 граммни ташкил этади. Бу тадбирни ғалла майсаларининг тўлиқ тупланиш даврида ўтказган мақбул. Ғаллани гербицидлар билан ишлаш даврида ҳаво ҳарорати 16—18 даража атрофида бўлиши лозим. Ана шунда ишлов берилган майдонлардаги бегона ўтларнинг 80—90 фоизга яқин қисми нобуд бўлади ва ҳар гектар ер ҳисобига ғалла ҳосилдорлигини қўшимча 3—5 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ошириш имкони туғилади. Шунингдек, етиштирилган доннинг тозалиги ва сифатли бўлишига эришилади.

*Ғиёсжон РАҲИМОВ,*
*Вилоят ғалла уруғлигига ихтисослашган «Элита» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.*

## «ОНА ВА БОЛА» МАЖМУИДА

СОҒЛОМ онадан соғлом бола туғилиши яхши маълум. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кам қонлик, юрак, буйрак хасталиклари аёллар саломатлигига салбий таъсир этади. Бундан ташқари «муддатдан илгари» туғишларга юқумли касалликлар, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш каби ҳоллар ҳам сабаб бўлмоқда. Яқинда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш ва тиббиёт тармоғини ривожлантириш вазифалари хусусида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтганди. Жумладан, унда республика соғлиқни сақлаш тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилаётгани, туғишга ёрдамлашиш ва болаларни соғломлаштириш масалалари бундан буён ҳам устивор йўналишлардан бири бўлиб қолиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Вилоятимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуалари орасида энг яхшиларидан бири саналган Янгийўл тумани Халқобод қўрғони шифо маскани ҳакимлари ҳам ана шу йўналишда самарали ишларни амалга оширмоқдалар.

*М.МИРАЛИЕВ.*

*СУРАТЛАРДА: Чапдан ўнгга: акушер-гинеколог Зарифа Абдуқосимова, гинеколог Наталья Хван, бош ҳаким Уринбой Аҳмедов ҳамда шифокор Венера Шинлар ўзаро суҳбатда(юқорида). Педиатр Клара Алиева ва ҳамшира Малика Узоқова чақалоқларни меҳр билан парваришлашмоқда.*

*Даврон АҲМАД олган суратлар.*

## Сўраган эдингиз

# ЎХШАШИ КАМ ТОПИЛАДИ

***Тошкентда янги ҳайвонот боғи қурилиши бошланганлиги ҳақида эшитган эдик. Бу иншоотни барпо этиш ишлари қандай боряпти, у қачон фойдаланишга топширилади? Бу фақат менга эмас, кўпчиликка ҳам қизиқарли бўлса керак. Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.***

***Қ. МУСАХЎЖАЕВ,***
***Қибрай тумани.***



Фақат Тошкент аҳолисигагина эмас, айни вақтда, республика меҳнаткашларига таниш бўлган мавжуд ҳайвонот боғи давр талабларига жавоб бермай қўйди. Кўпчиликнинг фикрига қараганда, у бу ерда сақланаётган жониворлар учун тор, томошабинлар учун ноқулай бўлиб қолди. Шу сабабли бундан бир неча йил илгари шаҳар ҳокимлиги янги ҳайвонот боғи қуриш ҳақида қарор қабул қилган, масканнинг жаҳон намуналари даражасида бўлишига эришиш режалаштирилган эди.

Бўлажак ҳайвонот боғи учун Ботаника боғи ёнидан 20 гектарлик майдон ажратилди. Масканнинг яшил орол ҳисобланган боғ ёнида бўлиши бу ердаги муҳитнинг табиийлигини кучайтиришга ёрдам бериши назарда тутилди. Унинг узунаси 1 километр, кенглиги 500 метрни ташкил этади. Бундан ташқари, икки томонидан кузатиш майдончалари бўлган марказий хиёбон ҳам барпо этиладиган бўлди.

Бу ҳудуд тузилишининг ўзига хос хусусиятлари — баланд-пастликлардан иборат эканлигини, бошқа кўпгина шароитларини ҳисобга олиб, Тошкент шаҳарсозлик давлат лойиҳалаш институтининг бир гуруҳ мутахассислари унинг тархини яратишга киришдилар. Бунинг учун улар шундай мажмуаларни лойиҳалаш ва қуриш билан боғлиқ бўлган жаҳон тажрибасини, биринчи навбатда Олмониядаги жаҳонга машҳур Берлин ҳайвонот боғининг қурилиши хусусиятларини ўргандилар. Уларга мавжуд ҳайвонот боғининг илмий ходимлари ва мутахассислари ҳам ўз маслаҳатларини бериб турдилар.

Лойиҳанинг бош меъмори У. Раҳимовнинг гапларига қараганда, деярли ҳар бир чизма варақани ҳайвонот оламининг билимдонлари билан келишишга тўғри келди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳайвонот боғи учун чизмаларнинг салкам 50 фоизи компьютерлар ёрдамида амалга оширилди. Бунинг учун лойиҳалаш институтида автомат лойиҳалаш бўлими ташкил этилди.

Ўтган йил бошларида лойиҳа-ҳаражат ҳужжатлари маъқулланди ва уларни амалга оширишга киришилди. Иншоот учун ажратилган деярли бутун ҳудудда қурилиш-монтаж ишлари бошланиб кетди. Одатдагидек, биринчи навбатда сув таъминоти, канализациянинг муҳандислик коммуникацияларини ва бошқа ер ости тармоқлари қурилишига киришилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим бинолар кўзга ташланиб қолди.

Барпо этилаётган уч қаватли катта бинонинг ҳар бир қисми ҳайвонот оламининг муайян бир турига мослаб барпо этиляпти. Масалан, биринчи қисмда балиқлар учун аквариумлар, иккинчисида илонлар, калтакесаклар, капалаклар сақланадиган террариум, учинчи қисмда сув паррандалари, тимсоҳлар ҳамда тошбақалар, бошқасида эса маймунларнинг барча турлари яшайди. Бинонинг яна бир қисми тропик паррандалар учун мўлжалланган. Боғда ҳайвонлар очиқ боқиладиган 80 та майдонча, павильон бўлади. Уларда яшаш шароити табиийсига иложи борича яқинлаштирилади. Томошабинлар учун кўли бўлган дам олиш минтақаси, чойхона, ёш томошабинларга мўлжалланган турли хил аттракционлар барпо этилади.

Ҳақиқатан ҳам республикамиз аҳолиси битказилишини орзиқиб кутаётган бу замонавий иншоотни Тошкентдаги «12-трест» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бош пудратчи сифатида бунёд этяпти. Бироқ, у қурилиш суратлари ва ҳажмини режада белгиланганича олиб боришнинг уддасидан чиқа олмай қолди. Шу сабабли бу қурилишга «Тошвилагроқурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам жалб қилинди. Вилоятнинг Чиноз, Ўртачирчиқ, Бўка, Юқоричирчиқ, Оққўрғон туманларидан қишлоқ қурувчилари ёрдамга келдилар. Шу кунларда бу ерда вилоятнинг 8 та механизациялашган кўчма жамламасига қарашли қатор мажмуий ва ихтисослашган бригадалар ишлашяпти.

Шундай қилиб, қурилиш қандайдир умум вилоят аҳамиятини касб этиб қолди. Қишлоқ бинокорлари шундай демоқдалар. Чунки, ҳозирги вақтда улар аосий куч ҳисобланишади. Биргина Чинозданги 33-механизациялашган кўчма жамламанинг бу ерда ташкил этилган участкасида 60 нафардан ортиқ ғишт терувчилар, бетончилар, дурадгорлар, пайвандчилар, монтажчилар ва бошқа касб эгалари ишлашмоқда. Ҳайвонлар очиқ усулда боқиладиган майдончаларнинг деворлари Олмалиқ яқинидаги кондан қазиб олинган харсанг тошлардан қад кўтармоқда.

Янги ҳайвонот боғи энг муҳим қурилишлардан ҳисобланади. Унинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигигача тўла қад кўтариши назарда тутилган. Иншоотни барпо этишда қатнашаётган меҳнат жамоаларининг шу кунлардаги кучғайрати, моддий-техника таъминотининг узлуксизлиги унинг белгиланган муддатда фойдаланишга топширилишига шубҳа қолдирмайди. Кўп кишилик бунёдкорлик жамоасига бу муҳим ва олийжаноб ишда фақат муваффақиятлар йўлдош бўлишига тилакдошмиз.

***Икром АҲМЕТОВ.***
***СУРАТЛАРДА: фитатрон биноси тобора бўй чўзмоқда (юқорида), 423-қишлоқ механизациялашган қўшма жамлама бинокорлари бригадири И. Жўраев (чапдан ўнгга), ғишт терувчи Б. Норматов ва монтажчи А. Ҳараевларни кўриб турибсиз.***

***Валерий ХАРИТОНОВ олган сурат.***

## SPORT

### СИНОВ УЧРАШУВЛАРИ

ФУТБОЛ мавсуми бошланишига ҳам икки ҳафтадан камроқ вақт қолди. Жамоалар машғулотларни кучайтира бориб, синов ўйинларида маҳоратларини текшириб кўрмоқдалар. Мамлакатимизда бир қатор чет эл клублари ҳам кунлар илиқ келганлигидан мамнун бўлиб, машқ ўтказишмоқда. Жумладан, Москванинг марказий ҳарбий спорт клуби Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Улар фурсатдан фойдаланиб тошкентлик клубдошлари билан иккита ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Шанба куни ёмғир ёғиб турган бўлишига қарамай, ҳақиқий муҳлислар бу икки жамоанинг ўйинини кўргани келишди. Нўъмон Ҳасанов ҳисобни очди. 15-дақиқада А. Медьведев вазиятни тенглаштирди. Иккинчи бўлимда Ойбек Усмонхўжаев ва Нўъмон Ҳасановлар москвалик футболчилар дарвозасига учта тўп киритиб, умумий ҳисобни 4:1 га етказишди. Дам олиш куни ушбу жамоалар ўртасида бўлиб ўтган такрорий ўйинда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Ҳисоб 2:3.

Тошкент вилояти жамоалари иштирокида бўлиб ўтган бошқа синов учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди. «Кимёгар» (Чирчиқ) — «Насаф» (Қарши) 1;1, «Дўстлик» — «Целинник» (Окмала) — 1:0, «Металлург» (Бекобод) — «Янгиер» — 1:0

### ҒОЛИБЛИККА... 300 ДАЪВОГАР

КАРАТЭ бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги баҳсларида ғолиблик учун 300 дан зиёд спортчи давогарлик қилди. Илк бор ўтказилган бундай мусобақада ўсмирлар ва ёшлар гуруҳларидаги олишувларда қатор спортчилар юксак маҳорат кўрсатишгани таҳсинга лойиқдир. Мазкур спорт тури ватани ҳисобланган Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Коичи Обато ҳам ана шу фикрни таъкидлади. Хусусан, ўз вазнларида ғолиб келган А. Миркомилов, С. Носиров, С. Аҳмедов, А. Фармонов, Ф. Солиев, Қ. Мухторов, Ф. Аҳмедов, Ф. Юсупов, Ж. Юсупов, У. Холматов ва бошқалар мамлакат терма жамоаси сафига киритилдилар. Ўсмирлар ўртасида мутлоқ вазнда Э. Ҳакимов, қизлар баҳсида М. Раҳимовалар Ўзбекистон чемпионини унвонини қўлга киритишди.

*Фаол қишлоқ мухбирларимиз*

# ЯХШИНИ ОЛҚИШЛАЙДИ...

ОҲАНГАРОНЛИК жамоатчи мухбир Теша ака Шералиевни таниганимга ҳам қирқ йил бўлибди. Тошкент Давлат дорилфунунида талабалик йилларимда амалий машғулотларни ҳар сафар «Тошкент ҳақиқати» газетасида ўтказардим. Бир куни бўлим мудири Тўлаган Нажмиддинов қўлимга иккита хат тутқазар экан:

— Бу мақола муаллифларини таниб ол, улар билан тез-тез мулоқот қилиб турасан, — деди.

— Аввалига Т. Шералиев ва Т. Сихарулидзе мактубларини ўқишга қийналдим. Бироқ тезда кўникиб кетдим. Кўп ўтмай улар билан танишиб ҳам олдим. Кейинчалик дорилфунунни тугатиб, рўзномага ишга келганимда ҳам газетанинг бу жонкуяр мухбирлари билан тез-тез мулоқот қилишга тўғри келди.

— Мумкинми, — хонага кириб келди Тешавой ака. Салом-аликдан сўнг қўлтиғидаги папкасини очиб, иккита мақола узатди.

— Ўқиб чиқинг. Мана бу ваъдабозларни боплаб таъзирини бермаса, одамлар сарсон-саргардонлиги барҳам топмайди шекилли.

Ҳар иккала мақола ҳам газетада эълон қилинди. Теша ака куюниб таъкидлаган танқидий мақолада қишлоқда ичимлик суви ва газлаштириш борасида гап борарди.

Теша Шералиев таҳририятга навбатдаги келишларининг бирида хурсанд бўлиб гап очиб қолди. «Сизлар ўша босиб чиқарган мақола туфайли қишлоқ аҳли сувли, газли бўлди». Бу аслида редакциянинг хизмати эмас, балки мухбирнинг камчиликни матбуотга олиб чиққандалигини айтганимизда, у. — «Ахир хабарни босмасанглар, аҳвол ўзгармасди-да, бу сизларнинг ёрдамингиз бўлди», — деди хурсанд бўлиб.

Тешавой аканинг одати шунақа. Яхшини олқишлайди, ёмонни қамчилайди. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларими, қишнинг қаҳратон кезларими, папкасини қўлтиқлаб, тез-тез редакцияга келиб-кетиб туради. Гоҳида куюниб сўзлайди. Мақолани топширади-да, яна ундаги мазмунни оғзаки шарҳлаб беради. ўзгалар ҳақига хиёнат қилганларни, ваъдасига амал қилмайдиган раҳбарларни жинидан ёмон кўради. Эл хизматида ҳалол ишлаганлар номини улуғлайди. Ҳа, Теша акани Оҳангаронда танимайдиган, билмайдиган хонадон йўқ десак хато қилмаймиз. Кекса мухбирнинг эса оёғи етмаган қишлоқ йўқ. Теша Шералиевнинг илк мақолалари «Тошкент ҳақиқати»да босилиб чиққанига қирқ йилдан ошди. Бу матбуот фидойисининг қўлига қалам олганига эса 65 йилдан ошибди. Ёш ўспирин ўз меҳнат фаолиятини туман рўзномасида оммавий ишлар ва хатлар бўлимида оддий ходимликдан бошлади. Сўнг Оҳангарон ижроия қўмитасида котиб, қишлоқ матлубот жамиятининг раиси, алоқа бўлимининг бошлиғи лавозимларида ишлади. Қаерда, қандай касбда меҳнат қилмасин, қўлидан қаламини туширмади.

Умр йўлдоши Мусобира Раҳимова эса қирқ йилдан зиёд муаллимлик қилди. Облиқ қишлоғининг Лашкерак маҳалласида истиқомат қиладиган бу оила ўзгаларга ибрат бўларлидир. Саккиз фарзанд эл хизматига камарбаста бўлиб камол топди. Тошқин ва Зафар — оналари касбини олишди. Ўткир — ҳуқуқшунос, Зулфия — шифокор, Ўскан, Яшин, Морс — резинотехника заводида меҳнат қилишмоқда.

Ҳамон таҳририятга келиб, қуйиб-пишиб ёзган мақолаларини бериб, «қачон босилишини» сўраб-суриштирадиган бу фидойи мухбирга ҳавасим келади. Негаки, бундай ғайрат, ишчанлик, мухбирлик касбига садоқат 80 ёшдан ошган ҳар бир кишининг ҳам қўлидан келавермайдида.

***Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.***

## МУЛЬТФИЛЬМЛАР УЧУН... 2 МИЛЛИОНТА РАСМ

*«ЎЗБЕГИМ ИНТЕРНЕЙШНЛ» студияси учун бу йил самарали бўлмоқда. Саньаткорлар таниқли постановкачи режиссёр Нозим Тўлахўжаев бошчилигида илмий-маърифий мавзуларда қатор янги мультфильмлар яратишни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.*

Бу ерда суратга олинаётган «Ислом тарихи» номли туркум мультфильмлар уч қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бир серияси 25 минут давом этади. Ушбу экран асарининг биринчи қисми эса ўн сериядан иборат бўлади.

Бундай дастлабки ижод намуналарининг бештаси суратга олиб бўлинди. Ҳозир эса унинг навбатдаги 6 ва 7-сериялари устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Бунинг учун студияда махсус рассомлар ижодий гуруҳи тузилган. Мультфильм жанрига хос бўлган турли хил расмлар чизиш машқини олган бу мўйқалам усталари тиним билмай меҳнат қилмоқдалар. «Ислом тарихи» фильмининг мазкур серияларида фойдаланиш учун икки миллионтага яқин мўъжаз расмлар тайёр бўлди.

***Акбар АЛИЕВ.***

*Булар ҳақида кам ёзилади*

# ҚАССОБЛИК «СИР»ЛАРИ

ҚАССОБ — диний илмлардан хабардор, устозли, дўкони, гўшт сақлайдиган музхонаси, пичоқлари, болтаси, кундаси, қайроғи, тошу-тарозуси, махсус кийим боши ва албатта, арқони мавжуд инсон бўлиши керак. Чунки, у тирик жонивор билан «муомала» қилади. Шунинг учун ишни, аввало, «Бисмиллаҳ» дейилган муқаддас сўз билан бошлаб, тушовланган молнинг бўйнига пичоқ тортишдан олдин уч бора «Аллоҳи акбар»ни айтиб, астойдил Аллоҳга ишонч билан тиғ уриб, жониворнинг «жонини олади». Жони чиққандан сўнг ҳаром мағизи кесилади. Бўғиз ва томоқ безлари олиб ташланади. Курак суягига ҳам қассоб эътибор қилади-ю, лекин, гўштга қўшиб сотилмайди ва истеъмолга ишлатилмайди. Музлатилган эт билан қассоб сотаётган гўштнинг фарқи бўлади. Гўшт таркибида ёғ, оқсил, дармондорилар, калий, кальций, азот, олтингугурт каби моддалар кўп. Инсон танига куч-қувват беради. Лекин, кам ва меёрига етказиб пиширилган гўштли таом бисёр фойдали. Ҳар бир оилада от, чорва моллари бўлса, барокат аримайди. Негаки, табиб ал-Розийнинг ёзишича, жониворни миниш ҳам, сутини ичиш ҳам мазали гўшт истеъмоли кабидур.

Тўлаганхўжа Убайдулла ўғли номли хусусий дўкон мудири Акбархўжани икки шогирди билан айни қизғин иш устида учратдик. Бу пайтда қассобга хос қоидалар амал қилинган ва буқанинг қўнғир юнгли бўйни иккига «ажратилган» эди. Унинг титраётган гавдаси, жонҳолатда ликкилаётган томирлари, тепинаётган оёқлари беихтиёр раҳмингизни келтирарди. Бечора. Бироқ, атрофга тўпланган одамлар гўшт илинжида лаган, товоқ, қоғоз ушлаб навбат кутишарди. Ростдан ҳам яна бир соат, икки соатдан кейин бу жониворнинг гўштли кимларнингдир хонадонида чўмични, қаерлардадир эса капгирни тутган бекалар қўлига тушади, бўлакларга тақсимланиб, ё шўрва, ё паловхонтўра таркибига «сингади». Эртасига, шу одамлар яна бир буқанинг йиқитилиши гувоҳи бўладилар...

Тўлаганхўжа Убайдулла ўғлининг хусусий дўкони Зангиота тумани Эшонгузар қўрғонида жойлашган. Акбархўжа бевосита отасининг шогирди. 28 ёшда. Лекин, ҳалитдан шогирдлари бор. 1975 йилда туғилган Илҳомжон Хидиралиевни суҳбатга чорладик.

**— Нега бу касбни танладингиз?**

— Касбнинг яхши ёки ёмони йўқ, касбни «аъло» ёки «сифатсиз» ижро этувчилар бўлади. Дадамнинг акаси қассоб, озми-кўпми у кишига эргашиб, кўмаклашиб, ёшликдан товуқларни сўявериб, анча «қотганман». Ҳозир устозим Акбархўжа ака билан қўй, буқаларни бемалол «саранжом»лаб, гўштини қаноаларга илиб ташлаймиз.

**— Қўркмайсизми?**

— Йўқ, ҳайиқсак биздан қассоб чиқмайди. Чунки, аждодларимиз шу касбни эъзозлашган, бизнинг ҳам шу касб орқали одамларга фойдамиз тегаяпти, фақат ҳалол ишласак бўлгани...

**— Ноҳалоллик ҳам бўладими?**

— Ҳозир, баъзи йигитлар пулнинг орқасидан «қувиб», ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормай, устоздан фотиҳа (қўл) олмасдан қассобчилик билан машғул. Тарозидан уриб қоладиганлар ҳам бор. Ҳолбуки, қассобчиликнинг қонун-қоидалари, ёзилмаган йўл-йўриқлари мавжуд. Яхшиси, бу борада устозим гапира қолсин.

**— Акбархўжа, бу гапларга нима дейсиз?**

— Ўзимга дадамлар — Тўлаганхўжа Убайдулла ўғли устозлик қилганлар. Доимо мени бирга олиб юрардилар. Молнинг қандай қилиб терисини шилиш, тозалаш, гўштларни ажратиш тўғрисида эринмай қайта-қайта ўргатаверардилар. Шу сабаб «кўзим пишиб», қассобликка киришиб кетдим. Лекин, қанча қўй, мол, ҳўкиз сўйганимга қарамай, таомил бўйича той сўймагунимча фотиҳа олмаганман. Той сўйганимда, отамга тўн кийдирдим, қўл олдим-у «мазам қочди». Шундан кейин отга «қўл тегизмай» қўйдим. Чунки, отнинг «деви» бўлади, дейишади, шу гапда жон борга ўхшайди, мен анча диний амаллардан сўнг тузалдим. Менга от сўйиш «ёқмади».

**— Нима учун от сўймаса, фотиҳа берилмайди, ахир сизда ҳам шогирдлар бор, улар ҳам шу таомилга бўйсунадиларми?**

— Албатта, ота-бобомиз ҳунаридан барокат топмоқчи бўлсак, боболар изидан кетишимиз зарур. От сўйишга келсак, у молни «тинчитишга» қараганда анча мураккаб, қассобдан бир қатор эпчилликни ва моҳирликни талаб қилади. Уни ҳам, устоз ўргатади-да. Кўпчилик ёшлар, қўлга пичоқ тутишни ва ҳайвоннинг бўйнига «тортвориш»ни қассоблик ҳисоблаб, Илҳомжон айтгандек, мўмай даромад орқасидан кун кўришяпти. Ахир, касбнинг пирлари, улар ҳаққига қилинадиган хайру-эҳсонлар бор. Шогирд фотиҳа олгандан кейин иймонни унутмаслик шартлари мавжуд. Тош-тарозунинг андозага тўғри бўлиши ҳам, охиратни ўйлаган қассобга асқотади. Тарози — Худо рози, деб беҳудага айтишмайди. Бу ҳам бир ҳикмат.

**— Икки фарзандингиз ҳам қассобликка меҳр қўйишса...**

— Ажабланмайман, қонимизда бор. Уларга ҳам бажону дил ўргатаман. Мабодо, яна 100 та шогирд тайёрлашга тўғри келса, уларга ҳам қассоблик «сирлари»ни босқичма-босқич баён этаман, ахир шогирд етиштириш ҳам устоз учун фарз. Қўл олмаган қассоблардан эса қандай «шогирд» чиқишини билмадим. Ҳунар —ҳунардан унар мақоли, «пул кўпаяр» маносини бермайди, балки, ток — ўз қаламчаларидан кўпайганидек, ҳунардангина ҳунар ўсади.

***Тўлқин ЁРҚУЛОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

**Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси вилоят шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида ишлаш учун участка вакилларининг мавжуд бўш лавозимларига танлов эълон қилади.**

**Танловда олий ва ўрта махсус маълумотли ҳуқуқшунослар, олий маълумотли педагоглар, ҳарбийлар иштирок этишлари мумкин.**

**Иштирокчилар 25 ёшгача бўлган эркаклар бўлиб, жисмонан соғлом, бўйи 170 см.дан кам бўлмаган, маҳалла ва иш жойидан ижобий баҳоланган, ички ишлар идораларининг ўрта бошлиқ таркибига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бўлишлари керак.**

***Ҳужжатлар душанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 18.00 гача Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй, вилоят ИИБ Кадрлар бўлимида қабул қилинади.***

**ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**


## Об-ҳаво



Бугун ва эртага вилоятимиз худудида ҳавонинг очиқ келиши кутилмоқда. Кейинчалик эса айрим туманларда осмонга булут чиқиб, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Кундуз кунлари ҳаво ҳарорати 11-16 даража иссиқ, кечалари 2-7 даража илиқ бўлади. Ёғингарчилик вақтларида ҳарорат пасайиб, 1даража совуқ ва 4 даража илиқ атрофида бўлади.

Мирзо Улуғбек туманидаги масъулияти чекланган «Фондмен» жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади. Тел. 41-53-03.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси жамоаси шу қўмитанинг ҳуқуқий масалалар бўйича назоратчиси Роза Сунагатуллинага онаси **Рафага СУНАГАТУЛЛИНАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0146. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 17.693 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6